

# АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz • www.adolat.uz • № 7 (866) • 2012 йил, 17 февраль, жума

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 февраль куни Оқсаройда "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт" мавзудаги халқаро конференцияда қатнашиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Харухико Куродани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақи равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Самарали икки томонлама ҳамкорлик ҳамда бунинг натижасида Осиё тараққиёт банки томонидан умумий қиймати 8,6 миллиард АҚШ долларига тенг 35 қўшма лойиҳанинг маъқуллангани бунинг тасдиғидир. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда ОТБнинг улуши 3,8 миллиард долларни ташкил қилади.

Ўзбекистон ва ОТБ ҳамкорлиги таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаш, энергетика секторининг ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилмасини, темир йўл ва автомобиль йўллари инфратузилмасини, коммунал хўжалик соҳаларини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, молия секторини ривожлантириш каби йўналишларни қамраб олган.

Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида таълим тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Бундай ҳамкорлик доирасида умумий қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг 8 қўшма лойиҳа амалга оширилди.

Ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати кенг кўламли йўналишларда жадал ҳамкорлик қилинаётгани билан диққатга сазовордир. Сўнгги йилларда ОТБнинг Ўзбекистондаги операциялари ҳажмининг йиллик ўсиши бир миллиард долларга етди. Хусусан, ОТБ президентининг ушбу ташрифи асосида умумий қиймати қарийб 950 миллион долларлик тўртта лойиҳа бўйича 508 миллион долларга тенг заём битимлари имзолангани раъзий маънога эга.

Шу билан бирга, Осиё тараққиёт банки томонидан 2012 йил 17 январь куни "Сурғил қони негизда Устюрт газ-кимё мажмуни барпо этиш ва қони жихозлаш" лойиҳасини молиялаштиришда умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган кредит ва кафолатлар билан иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилинган катта аҳамиятга эгадир. МДХ мамлакатларида ягона бўлган ушбу лойиҳанинг Осиё тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланиши тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар жалб қилишда муҳим катализатор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва ОТБ икки томонлама шериклик билан бир қаторда, энг муҳим минтақавий масалаларни ечишда ҳам

фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунинг натижасида йилига Ўзбекистондан Афғонистонга узлуксиз равишда 1,2 миллиард килловатт/соат электр энергияси етказиб берилишни таъминлайдиган электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан Афғонистоннинг Хайратон ва Мозори Шариф шаҳарларини боғлайдиган, ушбу мамлакат тарихидаги илк темир йўлнинг қурилиши муваффақият билан яқунланди. Бу қўшма лойиҳалар Афғонистонда тинчликни мустаҳкамлашга, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳамда Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.


Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир янги йўналишидир. ОТБнинг 2010 йилда Тошкентда ўтган Йиллик мажлиси чоғида ОТБ президенти Х.Курода томонидан илгари сурилган қуёш энергетикаси ташаббуси доирасида жорий йилнинг 16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иштирокида муқобил энергия манбалари соҳасида замонавий технологияларни ишлаб чиқиш борасида нуфузли марказ бўладиган қуёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини тузиш ҳақида келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшгани, ижтимоий-иқтисодий ислохлар дастурини амалга оширишга, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга фаол ёрдам кўрсатгани учун ОТБ раҳбари Харухико Куродага давлатимизнинг юксак муқофотини — "Буюк хизматлари учун" орденини топширди.

ОТБ президенти самимий қабул ва юксак эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига чўқур миннатдорлик билдириб, Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашиб, истиқболда ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Ўрта Осиёда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ў.А.



## Баркамол авлод билан қутлуғ манзил сари

Миллатнинг бахти, келажаги, эл-юртнинг фаровонлиги, шаън-шавкати ҳаётимизнинг давомчилари бўлиши азиз фарзандларимизга, уларнинг ҳар жиҳатдан қомил инсонлар бўлиб улғайишларига боғлиқ. Шу боисдан ҳам, миллий тараққиёт йўлини тутган ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият янги авлод тарбиясини муҳим стратегик вазифа, бош мақсад сифатида ўз олдига қўяди, бундай мақсадга эришиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратди. Бу йўлда қилинган сорф-харажатлар, шубҳасиз, ўзини оқлайди. Бунга мисоллар кўп.

Давоми 3-бетда ➤

Парламентда

## Ижтимоий адолат —

Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолият дастурининг бош ғояси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қуйи палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Республика Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул ходимлари ва Омбудсманнинг Тошкент шаҳри бўйича вакили, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Кун тартибидagi "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида"ги ҳисоботи тингланди.

Давоми 3-бетда ➤



Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир.

Ислам КАРИМОВ

## Юксалиш йўлида

Ўзбекистон "Адолат" СДП 17 ёшда

Сарҳисоб

1995 йилнинг 18 февралда пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг таъсис қурултойида иштирок этган 185 делегат Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, республикада демократияни ривожлантириш, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда сиёсий партия тузиш юзасидан қарор қабул қилди. "Адолат" номини олган янги партия ўша пайтда нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона социал-демократик йўналишдаги сиёсий партия бўлди. Таъсис этилган йили партияимиз аъзолари сони 3400 кишини ташкил этарди, холос.

Бугунги кунга келиб "Адолат" СДП ўз сафида 83 000 га яқин аъзони 2870 та бошланғич партия ташкилоти (БПТ)га бириштирган. Партияимиз аъзолари кўп миллатли: унинг сафларида ўзбеклар билан бир қаторда руслар, қоралқоқлар, қозоқлар, татарлар, тожиклар ҳамда бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари бор. Шунинг ҳам қувонч билан таъкидлашимиз мумкинки, партияимиз — ёшлар партияси, партияимизнинг аъзолари ўттиз беш минг нафардан ошгани, ёки деярли 44 фоизини 30 ёшга етмаган ёшлар ташкил этади. Партия Марказий аппарати, вилоятлар Кенгашлари, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари таркибининг ўртача ёши ҳам 38-41 ёш ораси-

да. Партия аъзоларининг 48 фоизга яқини аёллардан иборат. "Адолат" СДП аъзоларининг 21,7 фоизини соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, 26,7 фоизини таълим соҳаси, 9,2 фоизини аграр сектор вакиллари, 7,3 фоизини эса тадбиркорлар ташкил этади. Партияимиз аъзоларининг 33,2 фоизи бакалавр, 11,6 фоизи эса магистр даражасига эга. Биз ўз таъкидлашимиз мумкинки, партияимизнинг 192 нафар фан доктори, 12 нафар академик борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу партияимизнинг интеллектуал салоҳияти юксак эканлигидан далолат бериб турибди.

Давоми 2-бетда ➤

### Бугунги талаб

партия матбуот хизмати ходимларидан ҳам ишга янгича ёндашувни талаб этмоқда

Мазкур сиёсий ўқш матбуот котибларимизнинг фаолиятини танқидий баҳолаш, улар фаолиятида янгича ёндашувларни жорий этиш, келгусида партиянинг дастурий ғоялари ва оlib бораётган амалий ишларининг фаол тарғибот-чисига айлантириш, бу орқали хайрихоҳлар сифини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



4-бет

### Электрон тўлов ва электрон тижорат

уни ривожлантириш — давр талаби

...партияимиз дастурида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига фаол жорий этиш, Интернет тармоғи орқали турли интерактив хизматларни кўрсатишни ривожлантириш кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан электрон тижорат ва электрон тўлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда нафақат тадбиркорлик субъектларининг, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳам инобатга олиш лозим.



5-бет

### ЎЗМУ — авлодларнинг зиё маскани

Университетда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи янги таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва фаннинг устувор соҳалари белгилаб олинди. Жумладан, кейинги йилларда бу ерда «Санъатшунослик», «Миллий истиқлол ғояси», «Хуқуқ ва маънавият асослари», «Ихтиология», «Хитой тили», «Ижтимоий иш» каби янги йўналишлар очилди.



6-бет











# Бугунги талаб

# партия матбуот хизмати ходимларидан ҳам ишга янгича ёндашувни талаб этмоқда

Сиёсий ўқиш

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида партия Матбуот хизмати ташаббуси билан партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари матбуот котиблари учун икки кунлик сиёсий ўқиш бўлиб ўтди. Мазкур ўқиш "Adolat" ижтимоий-сиёсий газетаси томонидан қўлга киритилган Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Партия мавзусига ихтисослашган шарҳловчилар малакасини ошириш услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" грантини амалга ошириш лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров оммавий ахборот воситалари, хусусан, партиянинг нашрлар ва матбуот хизматларининг партия ҳаётидаги ўрни бекиёслигини таъкидлади.

— Сўнгги пайтларда партия газеталари сиёсий баҳс-мунозаралар ва гоёвий курашлар минбарига айланаётгани партиялараро соғлом рақобатни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда, — деди маърузачи.

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилиш борасидаги ролини кучайтириш, хусусан, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-ту-

зилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни белгилаш лозимлиги таъкидланган. Ушбу устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил бошидан "Адолат" СДП тизимида матбуот хизматлари фаолияти йўлга қўйилган эди. Утган вақт давомида матбуот хизматлари партия дастурий гоёларини тарғиб этиш, ҳудудий Кенгашлар ва депутатлар фаолиятини батафсил ёритиш ҳамда жамоатчиликни партия ҳаётидан кенгроқ хабардор этишда ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқда. Мазкур сиёсий ўқиш матбуот котибларимизнинг фаолиятини танқидий баҳолаш, улар фаолиятида янгича ёндашувларни жорий этиш, келгусида партиянинг дастурий гоёлари ва олиб бораётган амалий ишларининг фаол тарғиботчисига айлантириш, бу орқали хайрихоҳлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадбирда "Фуқаролик жамияти қуриш ислохотларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш масалалари" мавзусидаги маърузаси билан иштирок этган Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори М.Қирғизбоев бугунги кунда журналистлар олдида қўйилган талаблар, хорижий давлатлар сайловолди кампанияларида ОАВ иштироки, пиармен ва матбуот котибларининг номзод имиджини шакллантиришдаги фаолияти ҳамда соҳада учраётган муаммолар хусусида атрофчан сўз юритди.

Шунингдек, иштирокчилар ахборот ва сўз эркинлигининг Ўзбекистон Республикаси конституциясида акс этиши, журналистикага оид қонунлар, қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништирилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти етакчи мутахассиси Д.Қайумова сиёсий партияларнинг PR кампаниялар ўтказиши усуллари, тарғибот-ташвиқот жараёнлари, сиёсий партиялар ахборот-ресурслари ҳақида маъруза қилди. Сиёсий шарҳловчиларнинг интеллектуал-психологик ва профессионал қобилиятларини ривожлантириш, "Адолат" ижтимоий-сиёсий газе-

сида таҳлилий-танқидий мақолалар тайёрлаш тажрибаси, партия Кенгашлари матбуот хизматининг кундалик функциялари кунда журналистлар олдида таъкидланган. Унда партиянинг кундалик функциялари кунда журналистлар олдида таъкидланган. Унда партиянинг кундалик функциялари кунда журналистлар олдида таъкидланган.

Сиёсий ўқишнинг иккинчи кунини амалий машгулотларга бағишланди. Унда матбуот котиблари оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлаш, журналистлар билан ишлаш, матбуот котибининг кундалик вазифаларига оид янги маълумотлар билан танишди.

— Мазкур сиёсий ўқиш касбий малакамиз, ижодий салоҳиятимиз ва профессионал маҳоратимизни оширишга хизмат қилди, — деди партиянинг Хоразм вилояти Кенгаши матбуот котиби Замира Абдуллаева. — Ўқиш давомида олган билимларимиз бизни оммавий ахборот воситаларининг барча тармоқлари орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва унда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг амалий иштирокини ҳамда партиянинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини кенг

жамоатчиликка етказишда янада фаол бўлишимизга ундайди.

Тадбир мобайнида "Энг яхши матбуот котиби — 2012" анъанавий танлови шартлари хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, партия сайтыда матбуот котибларининг иштироки таҳлил этилиб, веб тармоқда жорий этилган янги лойиҳалар доирасида вазифалар топширилди.

Сиёсий ўқиш дастурига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Партия мавзусига ихтисослашган шарҳловчилар малакасини ошириш услубларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" грантини амалга ошириш лойиҳаси доирасида сиёсий партиялар ва киллари иштирокида мунозара олиб борилди. Унда "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Сирожидин Раупов сиёсий шарҳловчи, партиявий сайтда ижод қилувчи журналист масъули, партия электорати манфаатларини оммавий ахборот воситалари орқали химоя қилиш



масалалари юзасидан маъруза қилди. "Жамият" газетасидаги "Сиёсий партиялар" сифатига топширилаётган материалларга қўйилаётган талаблар ҳақида сўз юритиб, танқидий мулоҳазаларини билдирди ва тегишли тавсиялари билан ўртоқлашди.

Муҳокамалар жараёнида сиёсий партиялар вакиллари партиялараро рақобатга бағишланган мақолалар юзасидан қизгин баҳс-мунозара юритиб, ўз нуқтаи назарларини ифодалаш ва химоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, муайян соҳаларга оид партия позицияси тўртта-ла сиёсий партия сайловолди дастурлари мисолида атрофлича қўриб чиқилди.

Тадбир сўнггида партия Кенгашлари матбуот котибларининг партия ҳаёти ва мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги муҳим воқеаларни таҳлилий жиҳатдан ёритишдаги камчиликлар, уларнинг самарали

фаолият юритишларига тўқтинлик қилаётган муаммолар таҳлил қилинди. Матбуот котибларининг аксариятида журналистиканинг замонавий талабларини тушуниш, материалларни тезкорлик ва аниқлик билан тайёрлаш, партия Кенгаши билан жамоатчилик алоқаларини ўрнатилганда оқсоқлик кузатилаётгани қайд этилди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида матбуот котибларининг малакасини доимий ошириб бориш, ижодий маҳоратларини бойитишга кўмаклашиш, фаолиятини намунали йўлга қўйган матбуот хизмати ходимларини рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди ва тегишли тақлиф, тавсиялар билдирилди. Сиёсий ўқиш якуни бўйича махсус услубий қўлланма чоп этиш белгилаб олинди.

Илёс САХАТОВ,  
"Adolat" мухбири.



# ИЖКИ ХИЛ статистика, ёндашув

Ижро ҳокимияти қандай ишляпти!

Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, автомобилсозликдан тортиб кимё саноатигача бўлган ишлаб чиқаришнинг замонавий таркибини ва меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ўзида mujassamлаштирган Самарқанд вилоятида ислохотларни амалга оширишда янги-янги ташаббуслар юзага келмоқда. Иқтисодиётдаги барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш ҳокимлик этиборидаги асосий вазифага айланган.

Мехнатга лаёқатли кишиларни касб-хунар билан таъминлашнинг барча имкониятларини, шу жумладан, касаначиликни ривожлантиришнинг зарурий чораларини кўрапти.

Шу туфайли биргина Янги-қўрғон пахта тазалаш заводи ва тумандаги ММТПлар базасида ўнлаб касаначилик иш ўринлари очилгани ўзини оқлайпти. Оила бюджетига ҳам, корхона иқтисодиётига ҳам фойда келтиряпти.

Демак, статистика идораси адашган. Битта рақам замиридаги захматли изланишларни, оила фаровонлигини таъминлаш йўлидаги югур-югурларнинг моҳиятини тушуниб етмаган.

Лекин аслида ҳам шундаймикан? Оқдарёда янги иш ўринларини яратиш, касаначиликни ривожлантириш талабига жавоб берадими? Саноат салоҳиятини ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтириш орқали туман иқтисодиётини мустақамлаш, аҳолини, айниқса, ёш мутахассисларни доимий иш билан таъминлашнинг реал имкониятлари излаб топилаётими? Ҳокимлик, унинг бўлим ва идоралари бу борада ўзларига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишляптими?

Туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шу йўналишдаги янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини кенгайтириш ва модернизациялаш Дастури, афсуски сусткашлик билан амалга оширилмоқда. Шу туфайли аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш 82,2 минг сўмини ёки вилоят кўрсаткичидан беш баробар кам миқдорда ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабабли тумандаги саноат корхоналари бозор рақобатини ҳис эта олмайганида. Ишлаб чиқаришда янги талаб ва имкони-

ятларни жорий этолмаётганлигида. Шу боис мавжуд 69 та саноат корхонасидан 23 таси мутлақо фаолият юритмаяпти. Қолганларида эса қувватларни ўзлаштириш даражаси пастлигида қолмоқда. «Лола бизнес», «Элбек файз мебель», «Оқдарё мрамар Аҳмад Зоҳид», «Авазбек Оқдарё сёрвис», «Жаҳон Гулистон Шер», «Оқдарё тоза сут», «Гулрухсора Озода чевари», «Азиза дил офори» сингари корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб қолган.

Туманда иқтисодий ночор, зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ва кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш, улар негизда ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини тиклашни жаддаллаштириш дастурига мувофиқ икки-уч корхонага 250 миллион сўм миқдорда инвестиция кириштирилиб 70 та янги иш жойи барпо этилиши режаси ҳам тенг ярмига уддаланмади. Шунга қарамай, туманни 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб чиқарилган маълумотларга назар соладиган бўлсангиз тантанавор рақамларга дуч келасиз. Саноатда ҳам, қурилишда ишларида ҳам, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳам фақат юксалишлар қайд этилган.

Хисобот ким учун ва нима мақсадда тайёрлангани-ю ва у ҳақиқий аҳволга қай даражада мос келиш-келмастлиги ҳақида ўйлаб қоласиз. Биргина мисол. Туманда электр таъминотидаги доимий узил-лишлар тадбиркорларнинг ҳам, аҳолининг ҳам ҳафсаласини пир қилган. Уйда чироқ ёнмайди, мактабда компьютер ишламайди, саноатчи корхонасига электр уланганини пойлаб дастгоҳнинг ёнида кунни кеч қилади. Туман ҳокимлигига ташриф буюрган кунимиз идора аппарати «селектор»

ийгилишини ўтказиш мақсадида кўча электр станциясини ўт олдириш билан овора эди. Сабаби, туман электр тармоқлари идорасининг дебиторлик қарзи 6 миллиард 539 миллион сўмга етган. Уни ўз вақтида тўлаш чоралари кўрилмаётгани вазиятни кун сайин мураккаблаштирмоқда. Шундай аҳволда туманда саноат корхоналари гувилаб ишляпти, иқтисодий кўрсаткичлар салмоғи ортиб бораёпти, деб айтиш мумкинми?

Ана энди туман Бандликка кўмаклашиш марказининг касаначиликда яратилган иш ўринлари ҳақидаги ҳисоботи қайтасак. Маълумотда Янги-қўрғон пахта тазалаш заводида ўнлаб касаначи шартнома асосида қоп-қанор тикиш билан банд, деб кўрсатилган. Лекин пахта териш мавсуми алақачон поёнига етган бўлса ҳам — уй чеварлари завод бурюртмасини бажариш билан йил — ўн икки ой шуғулланишлари ишоним мумкинми? Ёки ММТПлар қошида гилдиракларни алмаштириш ва резина камераларини ямаш устaxonаларини касаначилик рўйхатига «тирқаб» қўйиш кимга керак? Ахир бу устaxonалар илгари ҳам ижара шартномаси асосида бинойидек фаолият юритаётган эди-ку. Лекин ҳокимликка, бандликка кўмаклашиш марказига янги ҳисобот керак! Шунинг учун эски ишга янги тўн кийдириш зарар қилмайди.

Туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Отабек Валиевнинг бизга берган маълумотига қўра, касб-хунар йўналишидаги 6 та коллежни 2011 йилда 2200 нафар ёш мутахассис битириб чиққан. Лекин корхона, коллеж ва битирувчи ўртасидаги уч томонлама шартномага асосан уларнинг 60 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишга жой-

лаштирилди. Қолганлари эса фермер хўжаликлари-ю, ММТПларга тақсимланган. Ана энди мулоҳаза юритиб кўринг: фермер хўжаликлари коллеж битирувчиларини «ишга жойлашди» деб ҳисобот юритиши учун энг қулай даргоҳми? Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш (туманда шу йўналишдаги коллежлар оз эмас) билан ким шуғулланади?

Дарвоқе, бу ҳолат анкироғи Оқдарё туманида коллеж битирувчиларига янги иш жойларига зарур шaroит яратиш, уларнинг корхонага келиб кетиши, овқатланиши, иш ҳақини ўз вақтида олиши билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топмаганлиги Самарқанд вилоят ҳокимлигининг йил якунига бағишлаб ўтказилган йилги ишларида ҳам қаттиқ танқид қилинган эди. Ва жорий йил февраль ойининг йигирманчи кунига ҳудудий бандлик дастурларида кўзда тутилган иш жойларига битирувчиларни жойлаштиришнинг исми-ша-

Зоҳир ТўРАКУЛОВ,  
"Adolat" мухбири.







# Таълим ва спорт

## Ўзбекистон ёшларига ҳавас қилса арзийди

Сўз — конференция иштирокчиларига

«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзудаги халқаро конференция иштирокчилари 16 февраль кунги пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасаларига ташриф буюриб, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари билан яқиндан танишдилар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари уларнинг таассуротлари билан қизиқди.

**Кис ЛАДАЖ, «Фонти» университети профессори, «Intertwine Consultancy» нодавлат ташкилоти раҳбари (Нидерландия):**  
— Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кўп ҳаётдан замонавий кадрларга боғлиқ. Ўзбекистонда ёш авлодни юксак маънавиятли, бой билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатнинг сийосатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани узоқни кўзлаб юрилтаётган оқилона сийосатнинг самараларидандир.

Халқаро анжуман доирасида мамлакатингизнинг қатор таълим масканларида, жумладан, пойтахтимиздаги 50-умумтаълим мактаби, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи ўқувчилари, Тошкентдаги Турин политехника университети талабалари, профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашди, улар учун яратилган қўлайликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдим. Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётган ва бу борада ҳавас қилса арзийди. Мамлакатингиз билан фан-таълим соҳасида кўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамыз. Ўзаро маслаҳатлашиш ва тажриба алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Маурицио ЧАМПИ, Санта Чечелия консерваторияси ректори (Италия):**  
— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри билан бир неча йилдан буён фаол ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб йирик концертларда мунтазам иштирок этаман. Хусусан, 2011 йили «Туркистон» саройида ўтказилган «Тошкент баҳори» иккинчи халқаро опера санъати фестивали бизда жуда катта таассурот қолдирди.

«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзудаги халқаро конференция доирасида Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежи, 1-республика тиббиёт коллежи, Ўзбекистон Миллий университетида бўлдим. Мамлакатингиз таълим тизимининг нафақат санъат, балки бошқа йўналишларда ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган юксак самаралар билан бевоқиф танишиш, талаба-ёшлар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг илмга чанқоқлиги, интилувчанлиги, айниқса, танлаган касбининг қандай соҳага йўналтирилганидан қатъи назар, чет тилларини кўнгил билан ўрганиши, 4-5 тилда эркин сўзлаша олиши менда ҳавас уйғотди.

**Дайен Юри АДАЧИ хоним, Вашингтон университети вице-президентининг ўринбосари (АҚШ):**  
— Ўзбекистонга биринчи келишим. Халқаро анжуман доирасида мамлакатингиздаги бир қатор умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юр்தларида бўлиб, таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан танишдик. Улардаги ресурс марказлари, электрон кутубхоналар, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар, замонавий спорт майдончалари халқаро талаблар даражасида бунёд этилгани ва жиҳозлангани эътиборимизни тортди. Ўзбекистон ёшларига астойдил ҳавасим келди.

Ширинсухан ўзбек халқининг меҳмоннавозлиги, меҳр-оқибатли ва инсонпарварлиги менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳар икки томон учун ҳам фойдали, деб уйлайман.

**Жун Ку ЛИ, «Daegu Naapu» университети президенти (Жанубий Корея):**  
— Конференцияда Жанубий Корея таълим тизими, хусусан, «Daegu Naapu» университети фаолиятига бағишланган маърузамиз тақдим этиш ниятидаман. 1979 йили ташкил этилган университетимиз шарқ таъбиотида фойдаланиладиган биотехнологияларни ўрганишга ихтисослашган. Максимумимиз мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ўрнатилган кенг қўламли ишларни чуқурроқ ўрганиш, соҳада тажриба алмашиш, шунингдек, ўзаро талабалар алмашишнинг йўлга қўйишдир.

Ўзбекистон таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, мамлакатингиз олий ўқув юр்தлари тугатаётган талабалар халқаро талаблар ва андозларга жавоб бера оладиган етук мутахассислар бўлиб етишишига тўла амин бўлдим. Ўзбекистон ёшларининг ўз билимини мустаҳкамлаши, бўш вақтини фойдали ва мазмунли ўтказиши учун яратилган қўлай шароит ва имкониятларни кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам учратиш кўйин. Замонавий билим олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга, интилувчан ва изланувчан Ўзбекистон ёшларига ҳар ҳаётдан ҳавас қилса арзийди.

**ЎЗА мухбирлари**  
**Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА**  
эзиб олди.



## ЎЗМУ — авлодларнинг зиё маскани

Таълим

Ўзбек зиёлилари азалдан илм-фанни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратган. Ёш авлоднинг билим олиши, юксак интеллектуал салоҳият эгалари бўлиши учун барча шароитларни яратишга интиланган. Хусусан, 1918 йилда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний сингари маърифатпарварлар ташаббуси билан Миллий дорилфунун ташкил қилинган. Ўзбекистон Миллий университети дастлаб, яъни 1918 йилдан Халқ университети деган ном билан фаолият кўрсатган. 1920 йилдан Туркистон давлат университети, 1923 йилдан эса Ўрта Осиё давлат университети, 1960 йилдан 2000 йилгача Тошкент давлат университети деб юритилган. 1995 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан Тошкент давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 январдаги Фармони билан унга Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилиб, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб номланди.



Университетда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи янги таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва фаннинг устувор соҳалари белгилаб олинди. Жумладан, кейинги йилларда бу ерда «Санъатшунослик», «Миллий истиқлол ғояси», «Хуқуқ ва маънавият асослари», «Иктиология», «Хитой тили», «Ижтимоий иш» каби янги йўналишлар очилди. Истиқлол йилларида университет турли соҳалар бўйича 40 минг нафардан ортқ мутахассислар тайёрлаб, мамлакатимизнинг илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларини кадрлар билан таъминлаш ишига ўз хиссасини қўшди. Ҳозир унинг қошида 83 кафедра, Олий педагогика институту, Амалий физика илмий тадқиқот институти, Олий журналистика курси, тайёрлов бўлими ва 3 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1180 нафар профес-

сор-ўқитувчи фаолият юритиб, буларнинг 21 нафари академик, 200 нафарга яқини фан доктори-профессорлар, 550 нафарга яқини фан номзоди-доцентлар, 400 нафардан ортиги катта ўқитувчи ҳамда ўқитувчи-ассистентлардан иборат.

Ҳозирги кунда университетда жами 10000 нафарга яқин талабалар ва магистрлар таълим олмақда. «Ўзбекистон Миллий университети» ва «Журналист» ўқув газеталари, «ЎЗМУ хабарлари» илмий журнал нашр қилинади. Интернет тизимида www.puu.uz web сайти, нашриёт, босмахона, Ахборот хизмати, «Журналистика масалалари» телерадиостудияси ва фотостудия фаолият кўрсатмоқда.

Университетда халқаро талабаларга мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, хорижий мамлакатлардаги нуфузли фан ва таълим марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида Япония, Австрия, Греция, Хитой, Польша, Жанубий Корея, Германия, Чехия, Россия, Украина, Озарбайжон, Туркия, Исроил, Англия, Малайзия, Швеция, Ҳиндистон, Италия, Қозғистон каби мамлакатлардаги илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. 1995-2010 йиллар давомида халқаро грантлар доирасида 100 га яқин профессор-ўқитувчилар хориждаги нуфузли илмий марказлар ва университетларда малака ошириб қайтдилар.

Мухтасар айтганда мустақиллик даврида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабалар интеллектуал салоҳиятини ошириш, етук мутахассислар тайёрлаш борасида улкан натижаларга эришилди ва эришилмоқда.

**Воҳиджон ТОПИЛДИЕВ,**  
Ўзбекистон Миллий университети ўқув-услубий бўлими бошлиғи, юридик фанлари номзоди, доцент.

Марказ

## Архитектура ва қурилиш маркази очилади

Тошкент архитектура ва қурилиш институти қошида Ўзбекистон — Германия архитектура ва қурилиш маркази очилади. У ерда «Бинолар ва иншоотлар, шаҳарлар, тарихий ёдгорликларни сақлаш» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланади, дейилади Германия элчихонасининг матбуот хизмати берган хабарда.

Марказнинг асосий мақсади Ўзбекистонда бинолар, иншоотларни, ёдгорликларни асраш, шаҳар ва минтақавий қурилишларни лойиҳалаштириш, техник инфрақурилмаларни ривожлантириш, архитектура-қурилиш профилидаги бинолар менежменти соҳаларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Таълим 2012-2013 ўқув йилида бошланиб, лойиҳалаштиришнинг европача технология ва усулларини ўзбек миллий технология ва усуллари билан бирга ўрганишни ўз ичига олади. Магистратурада ўқиш икки йил давом этиб, битирувчиларга Потсдам ихтисослашган институтининг магистрлик дипломи берилади. Таълим Тошкент архитектура ва

қурилиш институтида Германия олий таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан немис тилида олиб борилади. Талабалар иккинчи ярим йилликда Германияда таҳсил олишади.

Ушбу лойиҳа «Folkswagen» Германия фонди молиявий ҳамкорлигида, шунингдек, Ўзбекистондаги икки йирик архитектура институти — Тошкент архитектура ва қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти ҳамда Германиянинг Бамберг Отто-Фридрих университети, Дрезден техника университети, Потсдам ихтисослашган институту ва «Ваухаус» Веймар университети иштирокида амалга оширилмоқда.

## Россия таълим ҳафталиги Ўзбекистонда

Анъана

Шу кунларда мамлакатимизда Россия олий таълим муассасалари вакиллари иштирокида III Россия таълими ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Анъанага кўра, унда Россиянинг етакчи олий ўқув юр்தлари вакиллари қатнашаётир.

Бу сафар Марий давлат техника университети, Иркутск давлат техника университети, Жанубий Россия давлат иқтисодиёт ва сервис университети, Шимолий (Арктик) Федерал университети ва Олтой давлат техника университети вакиллари мамлакатимизда меҳмон бўлишди.

Ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади. 18 февраль кунги ўз якунига етadиган ҳафталик Тошкентдаги Россия Фан ва маданият марказида кўрғазма, пойтахтимиз ва Самарқанд таълим муассасаларида Россия олий ўқув юр்தларининг тақдими, коллеж ва лицейларнинг профессор-ўқитувчилари билан ўзаро муносабатлар ҳамда рус тили ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Россия таълим ҳафталиги Ўзбекистон ва Россия олий таълим муассасалари вакиллари ўртасида техника соҳасида етук, профессионал кадрларни тайёрлаш юзасидан ҳар томонлама фикр алмашишга ҳамда икки мамлакат олий ўқув юр்தлари

Ирода ҚОСИМОВА.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ХОКИМЛИГИ «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдоси эълон қилади

**Объект номи:**  
«Фарғона вилоят Риштон тумани Риштон марказида II-ТИП болалар спорт мажмуаси қурилиши»  
*Муддати — 01.09.2012 йил*  
*Бошланғич нархи — 1 616 921 959 сўм ҚҚС билан;*  
*1 347 434 966 сўм ҚҚСсиз.*  
«Фарғона вилоят Қува туманидаги 12,5 х 25 метр ўлчовли сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш»  
*Муддати — 25.08.2012 йил*  
*Бошланғич нархи — 435 956 160 сўм ҚҚС билан;*  
*363 296 800 сўм ҚҚСсиз.*  
Қурилиш таъмирлаш ишлари: Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.  
Буюртмачи: «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.  
Манзил: Фарғона шаҳри Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй, тел.(373) 224-24-33.  
Ушбу тенг бўлган ҳолатларда, афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.  
Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 100 фоз.  
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағ-

ларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.  
Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:  
*Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76*  
Танлов ҳужжатларини бир тўпلامнинг нархи — 60 000 сўм  
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.  
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй* манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси танлов савдоси эълон қилади

**Объект номи:**  
Фарғона вилояти Фарғона тумани «БД-7-1» зовур тизимини таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=61,537 км).  
*Муддати — 31.12.2012 й.*  
*Бошланғич нархи — 431 598 860 сўм ҚҚСсиз.*  
*Буюртмачи: Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеологик-мелиоратив экспедицияси.*  
*Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 72-уй. Тел: 224-27-50, 224-27-75.*  
*Қурилиш-монтаж ишлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сугориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*  
**Кичик бизнес субъектларининг квотаси 35 фоз.**  
Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фозни миқдорда айланма маблағга (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: *Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.*  
Танлов ҳужжатлари бир тўпلامнинг нархи — 60 000 сўм.  
Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.  
Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.



# Нотариат соҳаси такомиллашмоқда

## Адлия муассасалари

Ўзбекистон Республикасида кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётининг жорий қилиниши турли хил шаклдаги мол-мулкларнинг эркин муомаласи ва турли хил субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлаш учун зарур шароит яратди.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг олдини олишнинг муҳим шарт — бу улар ўртасидаги нормал муносабатларни тартибга солишнинг қонунийлигини мунтазам равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Бу борада нотариат институти такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, айнан нотариат институти фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида келажақда келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш масаласида улар ўртасидаги нормал муносабатларнинг қонун доирасида бўлишини таъминлаб, бундай муносабатларни эътиборга олиб (фиксация қилиб) боради.

1996 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига кўра республика ҳудудида нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идораларининг нотариуслари билан бир қаторда хусусий амалиёт би-

лан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширад эди. Кейинги пайтларда бундай тизим ўзини оқлай олмаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида асосан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти тугатилди.

Бундан ташқари, 2010 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, эндиликда фуқаролар йиғинлари раисларининг айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир ваколатлари кескин қисқартирилиб, уларга фақатгина қонунда белгиланган ҳолларда хат-хабарни, шу жумладан, пул ва жўнатмани олиш учун, муал-

лифлар ва иштирокчиларнинг ҳақларини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш ваколати қолдирилди.

Шунингдек, юқоридаги қонунга кўра, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилган шахслар, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, ўз касби фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахслар нотариус бўла олмаслиги тўғрисидаги норма мустаҳкамланди.

Эндиликда нотариусликка номзод бўлган шахсга нисбатан ёш цензи 25 этиб белгиланди. Бундан ташқари, олдинги тартибдан фарқли ўлароқ, нотариусликка номзод шахс юридик мутахассислик бўйича камида 3 йил муддатли иш стажига эга бўлиши лозимлиги белгиланди. Нотариусга стажёри учун стажировка муддати 1 йилдан 2 йил муддатга узайтирилди.

Бундан ташқари, эндиликда нотариуслик лавозими учун

талабдорлар ўртасида танлов ўтказиш ваколати ҳудудий адлия бошқармаларидан олиниб, таркиби 11 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакилларидан ташкил топган Олий малака комиссиясига берилди.

Буларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш ва улар ўртасидаги нормал муносабатларни ижобий қарор топтиришга кўмаклашувчи ҳамда бундай муносабатларни фиксация қилиши етарлича тажриб ва малакага эга бўлмаган шахсларга юкланиши мумкин эмаслигини далил қилиб беради.

Шунингдек, юқоридаги қонунга эндиликда нотариуснинг касбий мажбуриятлари ни бажаришига тўқинлик қилиш, шу жумладан, нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаслик — энг кам иш ҳақининг икки ба-

раваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши тўғрисидаги тартиб жорий қилинди. Бу нотариуснинг мустақиллигини ошириш билан бирга қатор нормал муносабатларнинг ижобий қарор топишига ҳам хизмат қилади.

Мазкур қонун билан нотариат соҳасида яна бир муҳим янгилик бошқа ходимлари, адвокатура вакилларидан ташкил топган Олий малака комиссиясининг мажлисида «Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республи-

касининг Конституцияси ва қонунлари қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан» мазмунида қасамёд қилиши лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 28 декабрда қабул қилинган 318-сонли қарор ҳам нотариат соҳасидаги муҳим ислохотлардан бири бўлди. Чунки, бунда нотариус томонидан ўз касб мажбуриятларининг бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби аниқ-равшан белгилан берилди. Бу эса нотариуснинг ўз касб

мажбуриятига янада масъулият билан ёндашишига ундайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, нотариат соҳасидаги бундай ўзгаришлар республикада амалга оширилаётган барча ислохотлар қатори халқимиз турмуш тарзини яхшилашга, юртимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Фавзия МУСТАФАЕВА,**  
Бухоро шаҳар 3-сон ДНИ катта нотариуси.



Хива шаҳри, Хива ва Ҳазорасп туманларида барча қулайликларга эга, замон талабларига тўла жавоб берадиган фуқаролик ҳолати далалатномаларини қайд этиш бўлими биноси фойдаланишга топширилди.


# Қиш фасли — иш фасли

## Реклама ўрнида

Асл деҳқон тили билан айтганда шу кунларда қантар оғди. Энди ерда қор турмайди. Негаки, она ер қаъридан кўтариладиган тафт заминни қоплаган қор кўрпасини «титоди». Қуёш бироз қиздирса бас, кузда палахса-палахса қилиб шудгор қилинган майдонлардан ҳовур кўтарилади. Демак, ер билан тиллашадиган омилкор деҳқон учун масъулиятли дамлар бошланди. Эртанги куним деб ҳаракат қиладиган инсон борки, ҳовлисида бир парча ери бўлса мўъжазгина иссиқхона қилиб, эрта боҳорда етиладиган сабзавот кўчатини ўтказиш илинжида. Тажрибаю меҳнат самара берса — рўзгор ҳам, бозор ҳам обод. Дарҳақиқат, бугуннинг ҳаракати, эртанинг барокати дейишди, ёши улуглар. Бугун тарқирини ер билан боғлаган миришкор борки, дала бошидаги ариқларни казиб, сув йўларини тозалашмоқда. Айни кунларда хоразмлик ирригаторлар ҳам кузги-қишки мавсум тadbирларини яқунига етказишмоқда.

— Деҳқончиликда юқори натижаларга эришиш канал ариқларимизда обихаётнинг сероблиги ва равон оқишига боғлиқ, — дейди Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Қарамон Ортиқов. — Она ернинг қон томирлари бўлган канал ва ариқлар ўз вақтида лойқоқа қамиш-полярдан тозаланса, сув шарқираб оқади. Ана шунда бободехқон ҳам даласига сув ҳайдаб боришида машаққат чекмайди. Миллионлаб гектар майдонларда парвариш қилнадиган экинларимиз баравар ўсиб, меҳнатимизга яраша ҳосил беради. Дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлиши бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ. Вилоятимиз ирригаторлари ҳам айни кунларда ана шу мақсадларни амалга ошириш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишмоқда.

Ҳа, айни кезларда вилоятнинг ирригация тизимларида меҳнат қиладиган раҳбару мутахассислардан тартиб, экскаваторларгача 2011-2012 йилларнинг кузги-қишки мавсуми давомида бажарилиши керак бўлган режалардаги юмушларни ниҳоясига етказиш билан банд. Жумладан, 588,8 километр узунликдаги ҳўжаликлар ариқ каналларни лойқадан тозалаш, улардаги 88 дона гидройишотлар ва 77 дона гидройишотларни таъмирлаш ишлари яқунига етказилмоқда. Ушбу тadbирларни Қуйи Амударё ирригация тизимлари



ҳавза бошқармаси тасарруфида бўлган вилоятдаги 4 та ирригация тизимлари бошқармалари ва сув ҳўжалигида пудрат ишларини бошқарувчи давлат унитар корхоналари амалга оширишмоқда. Улар орасида, айниқса, «Қорамзикачиқой» ирригация тизимлари бошқармаси ҳамда «Тошсоқа» ирригация тизимлари бошқармаси мутахассис ва хизматчилари етакчилик қилишмоқда.

Меҳнатни қадрлаш ва ишчи-ходимларни рағбатлантириш ҳамisha юқори натижаларга эришишда муҳим омил бўлиб келган. Вилоятда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тизимига қарашли иншоотлар атрофидаги ерларга ишлов берилиб, кўплаб мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратил-



моқда. Буларнинг барчаси тизимда меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти ва рағбатлантиришда асқотмоқда. Вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳовлисида ташкил қилинган мўъжазгина иссиқхона ҳам мутахассис ва ходимлар учун айни муддао бўлди.

— Иссиқхонамизда парвариш қилиниб, етиштирилаётган сабзавот ва кўчат маҳсулотлари ишчи ва ходимларимиз учун эрта кўкланинг «илки узилди» маҳалида дармон-дори бўлиши, шубҳасиз, — дейди бошқарма мутахассиси Даврон Кенжаев. — Бундан ташқари, иссиқхонамизда

парвариш қилинаётган лимон кўчатлари ҳадемай мўл ҳосил бериб, ходимларимиз дастурхонларига кўрк бағишлайди.

Қиш фаслини — иш фасли билан Қашқадарё вилояти ирригаторлари ҳам юртимизнинг бошқа жойларида бўлган каби жорий йилдаги деҳқончиликда эришиладиган ютуқлар учун замин ҳозирлашмоқда. Ариқ ва зовурлар лойқадан тозаланиб, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишмоқда, янги-янги коллекторлар қурилмоқда. Косон туманининг Қўнғиртоғ этакларида янгидан «Некўз-Узунқудўқ-Ушуктепа» зовурини қуриш ва қайта

қуриш лойиҳасидан ҳам ана шундай мақсад кўзланган. Лойиҳа амалга ошиши билан мазкур ҳудуддаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, тупроқ унумдорлиги кўтарилди. Лойиҳада белгиланган пудрат ишларини «Косондавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси жамоаси бажараяпти.

Вилоятнинг Яқкабоғ тумани тоғли ҳудудларида жорий йилда янги сув омбори қурилиши режалаштирилган. Бу янгиликдан туманининг Ҳисор ҳудудидаги Чуброн, Ажрим, Уйғур, Бешқўтон, Лангар ва Наврўз қишлоқларида умргузаронлик қиладиган юртдошларимизнинг

қувончи чексиз. Негаки, лойиҳа амалга ошса, ҳудуднинг қақраб ётган минглаб гектар майдонларида зироатчилик билан шуғулланиш имкони туғилади.

Биз ушбу қурилиш ҳақида мазкур лойиҳанинг бош пудратчиси «Яқкабоғдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси раҳбари Исомиддин Ҳамроев билан суҳбатлашдик. Қурилиш лойиҳасини мутахассислар билан кўздан кечириб, галдаги режаларни муҳокама қиладиган корхона раҳбари қуйидаги маълумот ва мулоҳазалари асосида биз билан ўртоқлашди:

— Қурилишнинг номи «Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманидаги Гулдара дарёсида сел сув омбори қурилиши» деб номланади. Иншоотнинг қувайти 3 миллион куб метр сувни йиғиб туришга мўлжалланган. Сув омбори ишга тушгандан сўнг ҳудуддаги 3 минг гектардан зиёд майдоннинг сув билан таъминланиши яхшиланади. Ушбу лойиҳамизнинг тендер нархи ўн тўрт миллиард бир юз олти миң тўрт миллион уч юз миң сўмини ташкил қилади.

Ўтган 2011 йилда лойиҳа қиймати доирасида 376 276,5 куб метр тупроқ ишлари, 2 756 куб метр бетон ва темир бетон ишлари, «25,90 ТН» металл конструкция ишлари ни амалга оширдик. Қурилиш-монтаж ишларини бажаришга 9 дона самосвал, 5 дона бульдозер, 2 дона автокран, 6 дона экскаватор, 1 дона автогрейдер, 1 дона водовоз, 1 дона каток, 1 дона МТЗ тракторлари жалб қилинган. Иншоотни 2013 йилнинг 20 декабрига қуриб топшириш мўлжалга олинган.

Исомиддин ака билан сув қурилишнинг ўзига хос муҳим жиҳатлари хусусида дилдан суҳбатлашдик. Мақоламизни ҳам у кишининг қуйидаги фикрлари билан яқунлашни лозим топдик:

— «Худо берса қулига, чиқариб кўяр йўлига», дейишди кексаларимиз. Ўтган йили сув танқислиги сезилган бўлса, жорий йилда табиат баракасини ёғдирди. Заминимизни қоплаган қор эриб улгурмаяпти, тоғларимизга боқинг... Ишончимиз комил, бу йил дарёларимиз тўлиб оқади. Ҳадемай сув омборимиз сувга, хирмонларимиз донга тўлади.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ.

Олтириқ, Биргина сўз. Уни эшитишнинг биланок кўз ўнгинида марварид водий — Фарғонамининг дурдона гўшаси гавдаланади, ёруғ дунёнинг жаннати ҳақида гап бораётгандек вужуднинг қулоққа айланади. Бошқача бўлиши мумкинми? Асло! Чунки Олтириқ номи республикамиздагина эмас, таъбир жоиз бўлса, узок хоризда ҳам кўпчиликка маълум ва машҳурдир. Бу машҳурликни боиси нимада?

## Бўз ерларда...

### ҳайратбахш узумзорлар

Бу саволга ҳеч иккиланмай: олтириқликларнинг меҳнатқашлиги, миришкорлиги, тadbиркорлигида, — деб жавоб бериш мумкин. Олтириқликлар собиқ шўро давлатининг барча республикалари бозорларини бодрингу турулари билан тўлдиргани бор гап — ҳақиқат! Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигига эришгач, олтириқлик сохибқорлар ҳам жаҳон бозорини сархил мевалари, тиллога тенг узумлари билан тўлдирди бошлашди.

Яқинда Олтириқ шаҳри биқинидаги Жўрак қишлоғида юзларинида нур балқиб турган — қуёшоз отахон билан танишиб қолдик. Бизга у кишини Олтириқ тумани маънавият тарғибот маркази раҳбари Ваҳобжон Азимов таништирдик, шундай дедилар: — Бу акамиз Тожиали ака Тожидавлатов бўладилар. Кўп йил катта Фарғона каналида миришкорлик қилганлар. Ҳозир ёшлари 78 да. 52 йилдан буён жисмоний меҳнат билан фаол шуғулланадилар. Ўз ташаббуслари ва ўз кучлари билан қаровисиз ётган бўз ернинг салкам ярим гектарини ўзлаштириб, мана шундай ажойиб боғ яратганлар. Бу боғда камида 200 миң туп мевали ва манзарали дарахт бор. Тожиали ака меҳнатқашгина эмас, миришкор узумчи ҳамдир. Саховатли ва муруватли, қалби дари инсон эрурлар. Шундай кишилар туфайли Олтириқнинг доғруги тобора ортди бормоқда. Қўшни боғнинг эгаси Юнусали ака Абдуҳошимов ҳам Тожиали ҳожи ақанинг маслаҳатлари билан бўз ердан ўттиз сотих ўзлаштириб, боғ ва узумзор яраттирган.

Ҳар икки узумзорда ҳосил мўлғилидан кўзларингиз қунаб, дилингиз яйрайди. «Хоним бармоғи», «Оқ қалта хусайни», «Ризамат ота», «Қора киши», «Киндик»... Булар узум турлари, боғлар бол тўпламоқда. Илоё, баракасини берсин!

— Шунинг таъкидлаш жоизки, бўз ерларда ажойиб боғ-роғлар яратган Тожиали ака ҳам, Юнусали ака ҳам ўқувчи ёшлари она заминга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдек муҳим ишга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар, — деди Ваҳобжон ака. — Эл ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётган бу сохибқорлар Олтириқ туманидаги барча касб-ҳўнар коллежлари ва кўлаб мактабларнинг ўқувчилари билан учрашувларда қатнашиб, ёшликнинг, мустақиллик берган имкониятларнинг қадрига етиш, ҳар қарич ердан мақсадли фойдаланиш зарурлиги ҳақида сўзлаштирилар.


Ҳ.АЛИЕВ.



# Баркамол авлод билан қутлуғ манзил сари

Давом. Бош 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов халқимизнинг мустақилликка эришиш орзуси рўёбга чиқиши арафасидаёқ (1990 йил, 24 февраль) мамлакат жамоатчилиги, халқ депутатлари ва ижодкор зиёлилар эътиборини ёшлар тарбиясига қаратиб, шундай деган эди: "Республиканинг келажагини ўйлаган ҳар бир киши, энг аввало, эртанги кунда шу ҳаётни бошқарадиган ёшларимиз тақдирини ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун ҳар бир депутат, ҳар бир раҳбар, бугун жамоанинг олдида тушаман деб турган ҳар бир кишининг қилаётган иши, босаётган қадами ана шу мақсадга қанчалик мослиги билан баҳоланади... Минг раҳмат ўз фарзандларини халқ ва жаҳият манфаати йўлида, асл инсонийлик ҳаётида тарбия қилаётган ота-оналарга, фахрийларга! Уларнинг меҳнати билан юртимиз ёшлари халқимизнинг қадимий урф-одатларини, одоб-ахлоқини, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, биронинг оғирини енгил қилиш каби аjoyиб хислатларини давом эттиряпти... Мана шу бебаҳо бойлигимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз тарбияси учун, уларнинг бахтли, тўкин, мазмули ҳаёти учун ҳеч нарса аямаслигимиз керак".



Истиқлолимизнинг дастлабки қадамларидан бошлаб бу эзгу мақсад, яъни, янги дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг эртанги кун қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Собиқ тузум шароитида ёшлар тарбияси, уларнинг руҳий, маънавий ва жисмоний камолоти эътибордан четда қолди, боз устига, пахта яккахоқимлиги сиёсати миллатнинг келажаги бўлиши ёшларнинг бир неча авлодини майиб-мажруҳ қилди, қаддини букиб қўйди. Тақдирини ўз қўлига олган, миллий ўзлигига қайтаётган, жаҳон кенгликларини кўзлаган миллат учун бу ҳалотларга барҳам бериш, таълим-тарбия соҳасини бутунлай ўзгартириш зарур эди ва шундай бўлди ҳам.

Миллат қаддини ростлаш мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашдан бошланди. Хусусан, қишлоқ жойларида, маҳалларда болалар спортини ривожлантириш, спортнинг кўплаб оммавий турларига мактаб ёшидаги болаларни, айниқса, қизларни кенг жалб қилиш устувор вазифага айналди. Мамлакатимизнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатларда белгиланган кенг қамровли мақсадлар ҳамда Юртимизимизнинг бевосита кўрсатмалари асосида ўсиб келаётган ёш, умидли авлодни

Ўйғилишда болалар ўртасида оммавий спорт турлари билан шуғулланиш тобора ривожланиб бораётганини кўрсатувчи факт ва рақамлар келтириб ўтилди. Жумладан, аниқ мақсадга йўналтирилган дастур ва режа асосида олиб борилган ишлар қисқа вақт ичида ўз натижасини берди. Яъни, мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар кейинги уч йил ичида 29,2 фо-



издан 34,9 фоизга, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизга ошган. Халқро мусобақаларда фаол иштирок этаётган ва ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилаётган ёшларимизнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Биргина 2008 йили ёш спортчиларимиз дунё биринчиликларида иштирок этиб, жами 103 медалга (51 таси олтин) эга бўлишди. Бу кўрсаткич 2011 йили 182 тани (60 таси олтин) ташкил этди. Ёшлар орасида авваллари у қадар оммалашмаган спорт турларига — сузши, байдарка ва каноэда эшак эшиш, джудо, бадий гимнастика, волей-

бол, футбол, кураш, сувда рақс тушиш, шахмат ва бошқаларга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қатор йиллардан бери муттасил ўтказиб келинаётган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт ўйинлари ёшлар, айниқса, талабалар орасидан мамлакатимиз шаън-шавкатини, гурур ва ифтихоримизни оширадиган, мустақил Ўзбекистон номини дунёга танитадиган маҳоратли, эътиқоди мустаҳкам спорт усталирининг етишиб чиқишида ҳамда мустақил ҳаётга кириб келаётган фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлишларида катта аҳамият касб этмоқда.

— Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга, — деди Ислон Каримов йиғилишда сўзлаган нутқида. — Чунки аини шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлади, ҳаётга теран кўз билан қараши ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоя қилади, характерини тоблайди.

Оммавий спорт турлари билан шуғулланишдан мақсад мусобақаларда голиб бўлишгина эмас, биринчи навбатда, болаларнинг, ўсиб-ўлғаяётган йигит-қизларнинг, бўлажак ота ва оналарнинг соғломлиги. Шу маънода ёш қизларга спорт билан шуғулланишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, бу ишни, айниқса, қишлоқ жойларида

болалар сони эса кескин камайган. Ўтган йили "Болаларни асрайлик" халқро ташкилоти томонидан эълон қилинган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида самарали фаолият олиб бораётган етакчи ўн мамлакат сафига киритилган гоят қувонарлидир. Пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқро анжуманда саломатлиқни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган спортни ривожлантиришга мамлакатимизда алоҳида аҳамият берилаётгани Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқро ташкилотлар томонидан юксак баҳолангани ҳам бу борада амалга оширилаётган узулқисм ишларнинг натижасидир.

Спорт узоқ йиллар давомидаги машаққатли машқ ва меҳнат деганидир. Ҳар бир мусобақада кимдир голиб, кимдир мағлуб бўлади. Мағлубиятни, рақибнинг маҳоратини тан олиш, унинг ҳурматини жойига қўйиш ҳақиқий спортчиларга хос бўлган фазилатдир. Буни, айниқса, кейинги йилларда бутун дунёга ёйилиб бораётган, ўз сафларига янги-янги мухлисларни жалб қилаётган ўзбек курашида яққол кўриш мумкин. Франциянинг Лион шаҳрида ўтказилган ўзбекча кураш мусобақасида мамлакатимиз вакили голиб бўлган бўлса-да, рақибга ҳурмат маъносидан унинг елкасига барбоф тўн ёпгани, бағрига босиб, яхши курашгани, мусобақа қойдаларига амал қилгани учун миннатдорчилик

«Адолат» 17 ёшга тўлмоқда!

## Бугун унинг 866-сони чоп этилди

Ватанимиз мустақилликка эришганининг бешинчи йилида мамлакатимиз сиёсий майдонида юзага келган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг наشري — "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси ана бир неча кундан сўнг — яъни, 22 февралда роппа-роса 17 ёшга тўлади. Зеро, 1995 йилнинг 22 февраль кунининг илк сони босмадан чиққан бўлиб, бугун 866-сони қўлингизда турибди.

17 йилки, "Адолат" мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий ислохотларни изчил ёритиб келмоқда. Мамлакатимизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатига оид материаллар газета саҳифаларида мутассил кенг ўрин олмақда. Хусусан, ҳуқуқий демократик давлат қуришига кўмаклашиш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жаҳияти сари боришда доимо ҳамкору ҳамроҳ бўлиш, мамлакатни чуқур ислохотлар жараёнларида тўла модернизациялаш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва дунёда "Ўзбек модели" деб тан олинган машҳур беш тамойилнинг мазмун-моҳиятини теран очиб беришда партиянинг ҳолис минбарига айланди. Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларининг фаолияти, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси олиб бораётган ишлар, қонун ҳужжатларининг шарҳи каби кўпдан-кўп мавзулар аҳамиятини халқимиз онгига етказиш — газетанинг энг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида газета саҳифаларида босилган турли мавзулардаги мақолалар фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда, адолатли қарор топтиришда уларга катта мадад бўлмоқда. Муаллифлари ва ўқувчилари — обуначилари сони йил сайин ошиб, рўнклари, мавзулари ва жанрлари доираси кенгаймоқда. Материалларнинг мазмун-муңдарижасида, пишиқ-пuxта ёзилишида, тахлилий-танқидий ёндашувида сезиларли ўзгаришлар ясалаётди.

Газета жамоаси ҳали нисбатан ёш бўлса-да, унда ўз ишини малакали эгаллаган, етарли журналистик маҳоратга эга, қалами чарх олган ўнлаб журналист кадрлар ижод қилмоқда. Улар орасида журналистика соҳаси бўйича ўтказилаётган кўрик-танловларда фахрий ўринларга сазовор бўлган профессионал кадрлар, ёзувчилар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар бор. Газетанинг сифатли дизайни ҳам кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани кишига фахр-ифтихор бағишлайди.

Тўғри, ҳали қилинадиган ишлар, кўтариладиган мавзулар, ёзилажак мақолалар муңдарижаси катта. Айниқса, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жаҳиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган йўналишлар моҳияти тарғибини кенг ёйиш — газета ижодий ходимлари олдида турган муҳим масъулиятга эришиш ва унинг ижтимоий-сиёсий таъминини яратишнинг, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини белгилаб берган, аҳамияти ва тарихий ролини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайдиган Асосий Қонунимиз — Конституцияимиз тарғиботи ҳамда унинг асосида **Эркинлик, Адолатлилик, Бирдамлик** қадриятларини ташвиқоти адолатчиларнинг кундалик бош вазифаси бўлиб қолаверади.

Айни кезде мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар ўртасида авж олаётган гоя, мақсад, маслак, мафкура ва позиция йўналишида партиялараро рақобат курашини янада фол довом эттириш, рўй-бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳолисона муносабатини билдириш, ютуқ ва камчиликларнинг туб сабабларини ўрганиш, жойларда қонун бузилиши ҳолларига қарши курашиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, пировардида, ижтимоий адолатни қарор топтириш — ҳар галгидеки газетанинг мақсад-муңдаси бўлиб қолади.

Мухтасаргина айтганда, азиз газетхон, "Адолат" газетаси — 17 ёшга тўлмоқда. Бу тарих олдида томчидек давр. Лекин Сиз бугун унинг мана, 866-сони билан танишиб турибсиз. Тилагимиз, ҳаммаша у билан бирга бўлинг. Унга ўзингизга яқин ёки истаган алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин. Нашр кўрсаткичимиз — 100.

"Адолат" ва адолатчилар Сизнинг ишончлигини албатта оқлайди. Газета жамоаси келгусида ҳам унинг саҳифаларда босилаётган ўқишли, мазмундор, долзарб ва тахлилий материаллари билан ўз ўқувчиларини хушнуд этишга ҳаракат қилади.

Э.ЕДГОРОВ, ЎЗА муҳбири.

Суратда: ҳарбий хизматга чақирилуви Мирсulton Миродов онаси Матлуба Нарзиева билан. Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

## Йигитлар тантанали кузатилди

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Айни кунларда мамлакатимизда Президентимизнинг жорий йил 12 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навабдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилорни Қуролли Кўчлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, белгиланган снов ва танловлардан ўтган йигитлорни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлори довом этмоқда.



Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва чақирилувчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз мудофаа тизимини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Фахрийлар ва ота-оналар ўз йигитлик бурчини ўташ-

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Усманкул Аҳмедовга 2011 йил 29 апрелда берилган N1847 рақамли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

### Аждодлар мероси

Адолат қиличи кесган қўл овғримас.

Чин бойлик — имон бойлиги.

Обрўни излашдан иш кўрсатган афзал.

**ADOLAT** ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Икбол МИРЗО, Мамазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамон АЗИМОВА, Рашид ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МҮМИНОВ.

Бош муҳаррир: Худоев МАМАТОВ  
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдуқали СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қўбулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); коопбиз — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.  
Навбатчи — Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рўқсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КўРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—200. Ҳажми — 4 босма табак. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А-2. Адади — 10507. Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топирилди — 1 2 3 5

Тахрир маънаси: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat\_gazeta@mail.ru